
ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

Расулова Дурдона Бахроновна,
Самарқанд давлат университети мустақил тадқиқотчиси

ХІХ - ХХ АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИНГ ФРАНЦУЗ ТАДҚИҚОТЛАРИДАГИ ТАЛҚИНИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-2-20>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада француз тарихшунослигининг Ўзбекистон тарихи (ХІХ- ХХ аср бошлари) бўйича манбавий асослари кенг ёритилиб, илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, француз тарихшунослигининг ривожланиши тавсифланиб, унинг тарих фанида тутган ўрни белгилаб берилди. Шу билан бирга, мақолада ХІХ- ХХ аср бошларида Марказий Осиё минтақасига таширф буюрган француззабон тадқиқотларнинг ривожланиш динамикаси ўрганилиб, унинг айрим намоёндалари фаолияти мисолида таҳлил этилади.

Калит сўзлар: Туркистон, Марказий Осиё, Ўзбекистон, тарихшунослик, манбашунослик, ориентализм, француз шарқшунослиги, манбавий асослар, тадқиқотлар, тарих, этнография, маданият, дин, санъат, ташқи алоқалар.

Расулова Дурдона Бахроновна,
Соискатель Самаркандского государственного университета

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА ВО ФРАНЦУЗСКОЙ ИСТОРИОГРАФИИ В ХІХ - НАЧАЛО ХХ ВВ

АННОТАЦИЯ

В данной статье широко раскрываются и научно анализируются источниковедческие основы истории Узбекистана (ХІХ - начало ХХ вв.) во французской историографии. А также, описывается развитие французской историографии, трактуется её место и значение в системе исторической науки. Кроме того, в статье изучается динамика пребывания франкоязычных исследователей в регионе Центральной Азии в ХІХ- начале ХХ вв. и анализируется на примере действие некоторых их представителей.

Ключевые слова: Туркестан, Центральная Азия, Узбекистан, историография, источниковедение, ориентализм, французское востоковедение, источниковедческие основы, исследования, история, этнография, культура, религия, искусство, внешние связи.

Rasulova Durdona,
Graduant for Samarkand State University

THE INTERPRETATION OF UZBKISTAN'S HISTORY IN FRENCH RESEARCHES IN THE 19 - THE BEGINNING OF THE 20-th CENTURIES

№ 2/2019

In the given article basic sources of French historiography on the history of Uzbekistan (19 - the beginning of 20-th centuries) are widely revealed and analyzed scientifically. Besides, it describes the formation and development of the French historiography and interprets place and its value in the system of history science. Moreover, in article it has been studied the dynamics of French-speaking researchers staying in Central Asia in 19 - the beginning of 20-th centuries. on example of some their representatives.

Key words: Turkestan, Central Asia, Uzbekistan, historiography, source studies, orientalism, French oriental studies, source bases, researches, history, ethnography, culture, religion, art, foreign relations.

Марказий Осиё минтақаси, хусусан Ўзбекистон ҳудудида француз олимлари ижтимоий соҳанинг антропология, археология ва этнология ва сиёсатшунослик йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Ушбу тадқиқотлар жараёнида Туркистон ўлкасидаги қадимий шаҳарлар, манзилгоҳлар, кўчманчи ва ўтроқ халқлар ҳамда тоғ ҳудудлари аҳолиси ўрганилган. Шунингдек, ижтимоий ҳаёт ҳунармандчилик турлари ва маҳсулотлари, кулўлчилик, халқ амалий санъати намуналари, безак ва тақинчоқлар, археологик топилмалар, темирйўл ва кўприклар каби моддий маданият намуналари асосида тадқиқ этилган.

1840-1917 йилларда Марказий Осиё минтақасига Франциядан жами 161 нафар [5: 61] сайёҳ ва тадқиқотчилар турли мақсадларда ташриф буюрганлар. Минтақа турли йўналишларда ўрганилиб, ушбу экспедициялар илмий, ҳарбий, муҳандислик, тижорат ва туризм мақсадлари асосида ташкил этилган бўлиб [5: 163], улардан айримларига тўхталиб ўтамиз.

Пьер Габриэль Бонвало (Pierre Gabriel Bonvalot, 1853-1933) - француз тадқиқотчиси бўлиб, Марказий Осиёга 1880, 1882, 1885-1887, 1889 йилларда жами тўрт марта саёҳат қилган.

1880 йилда Франция Маориф вазирлиги томонидан минтақани ўрганиш мақсадида Габриэль Бонвало ва Гийом Капью бошчилигида илмий экспедиция жўнатилган. Бу икки қаҳрамон саёҳатлар тарихида катта из қолдирган [5: 173]. Г.Бонвало ҳамроҳи табиатшунос олим Г.Капью билан биргаликда 1880-1882 йиллар давомида Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликларини ўрганиб, унинг натижаларини 1884 йил Парижда чоп этилган "Марказий Осиёда: Москвадан Бақтриягача" [1] номли асарида акс эттирган. Муаллиф Тошкент, Қарши, Шеробод, Сурхондарё воҳаси, Термиз, Бойсун ва Қашқадарё воҳаларига алоҳида бобларни бағишлаган. Тошкент тавсифланганда, унинг аҳолиси, маҳаллий уй-жойларнинг қурилиши, эркаклар ва аёлларнинг кийиниши, таълим соҳаси, аёлларнинг жамиятда тугган ўрни алоҳида эътиборга олинган. Шеробод ҳудудлари ўрганилганда, маъмурий бошқарув, бек ва унинг оиласи, қалъалар каби масалалар билан бирга, лочин овини ташкил этиш, бозорларни тавсифлаш каби этнографик маълумотлар ҳам ёзиб қолдирган [1].

Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳлар ичида энг кўп маълумот ўрганган ва ёзиб қолдирган тадқиқотчи Г.Бонвалодир. Хусусан, унинг 1885 йил Парижда нашр этилган "Марказий Осиёда Кўҳистондан то Каспий денгизигача" [2] номли асари ҳам тўлиқ Ўзбекистон ҳудудига бағишланган. Самарқанднинг ўзига хос хусусиятлари тавсифи билан бошланган мазкур асарда Гўри-Амир, Шоҳи-Зинда, Бибиҳоним каби тарихий меъморий-обидаларга тўхталиб ўтилган. Айниқса, Амир Темурнинг тахти равони учун пойдевор бўлган кўк-тош европаликларда катта қизиқиш уйғотган.

Бундан ташқари, асарда Кўхистон (ҳозирги Панжакент), Чотқол, Бухоро, Фарғона, Амударё ҳавзалари ва Хива хонлиги ҳудудлари ҳам киритилиб, улардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт этнографик маълумотлар асосида ёзиб қолдирилган. Хива ҳақида тўхталганда, Петро-Александровск қалъасига алоҳида таъриф берилиб, унинг ҳарбийлар, зобитлар ва келган меҳмонлар учун аҳамияти алоҳида тавсифланади.

Г.Бонвало экспедициянинг мақсадини қуйидагича изоҳлайди: "Биз Осийнинг ўтмишини ўрганиш билан бирга унинг бугунги географиясига ҳам эътибор қаратдик" [3]. Умуман олганда, сайёҳлар томонидан минтақа ҳақида жуда кўп маълумотлар тўпланган. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига сафар уюштирган тадқиқотчилар минтақа ҳақида бир олам таассурот ва янгиликлар, маданий коллекция намуналари билан Францияга жўнаб кетганлар.

1886 йил Парижда тадқиқотчи Генри Мозернинг (Henri Moser, 1844-1923) "Марказий Осийё бўйлаб. Қирғиз даштлари, Туркистон, Бухоро, Хива, Туркман ўлкалари ва Эрондаги саёҳат таассуротлари" [6] деб номланган асари чоп этилган. Мазкур китобнинг сўз бошида у ўз фаолиятига "la trevere du continent asiatique en entier" [7], яъни "Осийё минтақасини тўлиқ босиб ўтган" тадқиқотчи сифатида баҳо беради.

Ушбу манба Франция Ички ишлар вазирлиги (китоб савдоси секцияси)нинг буюртмаси асосида чоп этилиб, унда 170 дан ортиқ гравюра, 100 дан ортиқ суратлар ҳам жой олган. Асар мемуар характериға эға бўлиб, тадқиқотчининг Марказий Осийё минтақаси бўйлаб амалға оширган саёҳати ва шахсий таассуротлари асосида ёзилган.

Умумий ҳажми 463 саҳифадан иборат бўлган мазкур манба жами 16 бўлимдан иборат. Унинг айрим боблари тўлиқ Ўзбекистон тарихи масалаларига қаратилган бўлиб, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро ҳудудларида кечган ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, давлат бошқаруви, маданий жараёнлар ва этнографик маълумотлар кенг ёритилган, саёҳатнинг йўл хариталари ҳам илова қилинган.

Г.Мозер кўп йиллар давомида Петербургда истиқомат қилган. Шунинг учун ҳам рус тилини яхши билган. У саёҳатға тайёргарлик кўриш учун Туркистон ҳақидаги рус ва Европа манбаларини диққат билан ўрганган. Унинг саёҳат тафсилотлари Оренбургдан жўнаш билан бошланиб - Казалинск - Уралск - Тошкент - Самарқанд - Миёнқол - Бухоро - Амударё - Хива - Каспий орғи - Ашхобод - Теҳрон - Константинопол билан яқунланган.

Асарнинг кириш қисмида муаллиф томонидан китобнинг яратилиши ҳақида қуйидаги фикрлар келтирилган: "Мен айтмоқчиманки, икки йил олдин саёҳатларим натижаларини акс эттирувчи китоб ёзиш мақсади туғилди. Мен кўплаб мамлакатларда бўлган сафарларим натижасида бир неча тезис ва мақолалар ёзишға муваффақ бўлдим. Улар нуфузли илмий журналларда нашр этилди. Бугун эса китоб ҳолида чоп этилди" [6: IX-XI]. Асар повесть тарзида ёзилиб, китобхонға тушунарли тарзда баён этилган.

Китобнинг бошида генерал-лейтенант М.Г.Черняевға миннатдорчилик билдирилиб, унинг ва муаллифнинг суратлари келтирилган. Муаллиф сўзларини яқунлашда экспедицияға саёҳат давомида ҳамроҳлик қилган дўстларига миннатдорлик билдиради. Улардан Жюль Жюргенсен (Jules F. U. Jurgensen) - асар ёзиш ҳақида кўрсатма бериб, уни нашр этишиға кўмаклашган. Эверт ван Муйден (M. Evert van Muysden) - саёҳат давомида суратға туширган, гравюралар ишлаган

маҳоратли rassom ва Тео Зобрист (M.Theo Zobrist) - котиб вазифасини бажариб, садоқат билан хизмат қилган. 3-бўлимдан ўрин олган Казалинскдан Тошкентгача бўлган қуруқлик йўлини таърифлашда муаллиф "Орск ва Казалинск ўртасида биз ўз саёҳатимиз давомида Қорақум (Sable noire), йўлнинг иккинчи ярмидан Тошкентгача Қизилқум (Sable rouge)ни кесиб ўтдик. Бухоро дарвозасигача бўлган жойларда Оққум (Sable blanc)ни кесиб ўтдик" [6: 53] каби иборалардан фойдаланиб, ўлка табиатининг хилма-хиллигини бадиий тарзда ифодалайди.

Ўша даврдаги энг долзарб муаммо бўлган иқтисодиётга бефарқ бўлмаган тадқиқотчи, уни қуйидагича изоҳлайди: "Туркистонда ... янги алоқа йўлларига асос солиш ва у орқали Туркистон маҳсулотларини Россияга жўнатиш керак. Марказий Осиё иқтисодиётининг пойтахти бўлган Тошкент босиб олинганда, унинг Россия билан савдо-сотик алоқалари кучайди. Россиянинг мануфактура маҳсулотлари Туркистон бозорларини тўлдириб юборган ёки улар Ҳиндистондан келтирилган инглиз маҳсулотларининг ўрнини босди" [6: 56]. Бироқ, бу пайтда савдо-сотик қарвон йўли орқали амалга оширилиб, бир кунда атиги 25 верст йўл босилган. Йўл харажатининг қиммат бўлиши савдо-сотикнинг ривожланишига тўсқинлик қилганлиги таъкидланган.

6-бўлим Бухоро амирлиги саёҳатига бағишланган. Унда Бухоро амири Музаффархон даврида рус ҳукумати ва амирлик ўртасидаги муносабатлар ҳам кенг ёритилган [15: 69]. Г.Мозернинг фаолиятига генерал-губернатор М.Г.Черняев ҳам ишонч билдириб, рус подшоси томонидан миссия билан юборилган Винженстейн билан ҳамкорликда Тошкентдан Бухорогача сафар қилишни таклиф этган. У сафар давомида Бухоро амирлигининг замонавий ҳолати, урф-одатлари ва сарой ҳаёти, шунингдек, маҳаллий аҳолининг яшаш тарзи ҳақида кўплаб маълумотлар йиғади. Бу саёҳатдан миннатдорчилик рамзи сифатида муаллиф асарни генерал-губернатор шарафига бағишлаган. Асар мазмунидан унинг шунчаки сайёҳ эмаслиги, керакли жойларда ва кўп ҳолларда мутахассис сифатида маълумотларни асослай олишини англаш мумкин.

Бироқ, асарда айрим масалалар нотўғри талқин қилинган ҳолатлар ҳам учрайди. Масалан, руслар томонидан Туркистоннинг босиб олинishi каби сиёсий масалага, оддийгина жавоб тарзида: "Руслар ўз ҳудудларини даштликлар ҳужумидан асраш учун ҳаракат қилдилар ва Марказий Осиёнинг ички ҳудудларига кириб келдилар", - деган ваз кўрсатилган. Ваҳоланки, муаллиф бунинг тажовузкорлик урушлари эканлигини очиб беришни истамаганлиги маълумдир.

Ўша даврда рус матбуотида чет эллик тадқиқотчиларнинг олиб борган илмий изланишларига қуйидагича баҳо берилган: "Марказий Осиё минтақасини ўрганишда рус олимлари катта ишларни амалга оширганлар, лекин чет элликлар ҳам география, тарих ва бошқа фанлар йўналишида аҳамиятли ишларни амалга оширдилар" [15: 69-70]. Фикримизча, Туркистонга оид тўлиқ тизимлаштирилган асарларнинг кўпчилиги чет элликларга тегишлидир. Рус муаллифларининг асарларида баъзи Европа олимларининг ишлари компильатив характерда эканлиги қайд этилса-да, "аммо хорижликлар русларнинг асарларида учрамайдиган айрим жиҳатларни кўрсатиб беришга муваффақ бўлганлар" [6: 69].

Г.Мозер Бухордан сўнг Хивага қараб йўл олади. Хивадаги ижтимоий-иқтисодий тузум, ўша давр ҳаёти ва хиваликлар элитасининг дунёдаги ўрнини ўрганиб, таҳлил қилади. У Хива хони саройидаги вазиятни чуқур ўрганиб, уни Бухоро амирлиги саройидаги ҳаёт билан таққослайди.

Шуниси аҳамиятлики, Марказий Осиё минтақасини тасвирлашда, Г.Мозер уни ўтроқ ва кўчманчи ҳаёт тарзига бўлиб тасвирлайди. Бошқа томондан, аҳолини этник гуруҳларга бўлиб, турк-татар ва орийларни ажратиб кўрсатади. Унинг айтишича, қирғизлар (ҳозирги қозоқлар) турк-татар, сартлар эса орийлардир. Бундай қарашлар Жирар де Риал, Бонвало ёки бошқа ўша давр тадқиқотчиларининг бирорчасида ҳам учрамаган. XIX асрнинг охирида орийлар қабилаларини ўрганиш ривожланиб, кўплаб саёҳатчилар бу масалага мурожаат этганлар.

Унинг сафарлари натижасида Шарқ ҳақида жуда қимматли коллекция яратилган бўлиб, кейинчалик Г.Мозер уни Берн тарихий музейига топширди. У Санкт-Петербург, Вена, Париждаги махсус уюшмалар билан дипломатик алоқада бўлиб турган [4].

Марказий Осиё минтақасига 1894-1895 йилларда махсус илмий экспедиция билан ташриф буюрган Жан Шаффанжон (Jean Chaffanjon, 1854-1913) мутахассислиги бўйича табиатшунос бўлиб, Лион илмий-тарихий музейининг ходими ҳисобланган [5: 295]. У Жанубий Америкага саёҳат қилиб, Оринокони очиб берган машҳур сайёҳ сифатида ном қозонган эди.

Махсус ташкил этилган ушбу экспедициянинг фаолиятига шарҳ беришда ўша даврдаги Туркистон даврий матбуоти саҳифаларида эълон қилинган маълумотларга мурожаат этиш ўринлидир. Шаффанжон илмий экспедициясининг саёҳатга йўл олиши ҳақида даврий нашрларда қуйидагича маълумот берилган "Ушбу илмий экспедиция француз Маориф вазирлиги томонидан ташкил этилган бўлиб, "Mission scientifique en Asie Centrale et Siberie" - "Марказий Осиё ва Сибирга уюштирилган француз илмий экспедицияси" деб номланади. Экспедиция раҳбари - машҳур саёҳатчи, олим, 14 йил давомида жанубий Америкада тадқиқот олиб бориб, Ориноко дарёси манбаларини излаб топган Жан Шаффанжон. Шунингдек, миссияда Генрих Манжини ва Людвиг Гай каби табиатшунос олимлар ҳам иштирок этади. Саёҳат давомида турли тадқиқотлар олиб борилиб, музей ҳамда бошқа ташкилотлар учун табиий фанлар йўналишида коллекциялар йиғилади" [12].

Экспедициянинг Самарқандда бўлиши ва келгуси сафар тараддудини кўриш ҳақида матбуотда: "Айни вақтда саёҳатчилар Самарқандда бўлиб, илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Тошкентга етиб келганда улар бу ерда икки ой муддатда қолиб, Тибетни ўрганиш, дунё бўйлаб саёҳатга чиқиш учун яхшилаб куролланиб оладилар [10], - деб маълумот берилади.

Туркистон матбуоти бундай экспедициялар фаолиятини ҳатто энг майда-чуйда тафсилотларигача ёритиб борган. Хусусан, уларнинг йўл маршрутлари қуйидагича режалаштирилган: "Саёҳлар Шаффанжон, Гай ва Манжини айни вақтда Тошкентда бўлиб, лекин кўп вақтга қолмайдилар. Бу ердан Вернийга, Иссиқ-кўлга, Кулжа орқали Мўғулистонга боришади. Қишда Иркутскийда қолиб, келгуси йил баҳорида яна Мўғулистонга боришмоқчи. Газеталарда олдин хабар берилганидек, уларнинг Тибетга боришлари ҳақидаги маълумот нотўғри" [14].

Тошкентда ўз ишини бошлаган экспедиция Авлиёотага йўл олиб, Туркистоннинг наботот ва ҳайвонот олами билан ҳам танишиб боради. Бундан ташқари, Шаффанжон томонидан босиб ўтилган йўлнинг маҳаллий геологик харитасини тузиш мақсад қилиб қўйилган эди. Экспедиция Авлиё-Отадан Вернийга, Иссиқкўлда бўлиб, чўл ҳудудининг флора ва фаунасини ўрганади. Шунингдек, ушбу кўлни ўраб турган тоғларни ҳам ўрганиш режаси бор эди.

Шаффанжон Вернийдан Кулжа томонга йўл олиб, Сайрам-Нор ва Обинор кўлларини ўрганadi.

Шаффанжон томонидан Самарқандда Афросиёб ёдгорликларида олиб борилган археологик тадқиқот унчалик катта муваффақиятга учрамай, тарихчилар томонидан қаттиқ танқид остига олинган. Чунки, ўша вақтда тадқиқотчилар учун асосий масала шаҳарнинг урбанистик структурасини тиклаш эмас, аксинча, минтақада қадимги цивилизация мавжудлигини исботловчи ноёб санъат намуналарини излаб топиш бўлган.

Шунинг учун асосий эътибор имкон қадар кўпроқ топилмаларни қазиб олишга қаратилган эди. Шаффанжон цитаделда қазилма ишларини олиб бориб, бу соҳада дилетант эканлигини намоён этган. У қўлда олиб борилган қазилма ишларидан қониқмай, рус ҳукуматидан саперларни жалб этишини сўраган. Уларнинг ёрдами билан порохда портлаш амалга оширилиб, отилиб чиққан ноёб санъат намуналари териб олинган. Мутахассисларнинг фикрича, айнан шу пайтда цитаделга катта зарар етказилган [8].

Шаффанжон томонидан йиғилган коллекцияни Парижга жўнатиш ўша даврда катта шов-шувга сабаб бўлган эди: "Самарқандда ўтказилган пасха байрами олдидан М.Баршевский қуйидаги маълумотларни ўқиб эшиттирди:

Маҳаллий музей учун режалаштирилган коллекция яқин вақтда Францияга жўнатилиши керак. Ушбу коллекция саёҳатчи Жан Шаффанжоннинг маслаҳатига кўра, қайсидир бир киши томонидан 10 000 франкка сотиб олинган. Бу биринчи марта археологик коллекцияларнинг четга чиқиб кетиши эмас. Чунки, уларни излаб топиш йилдан-йилга қийинлашгани билан, кўплаб бундай қимматбаҳо топилмалар олиб кетилиб бўлинди. Улар турли хил йўллар билан шундай предметларнинг савдоси билан шугулланадиган чет эллик фирибгарларнинг қўлига тушиб қолмоқда [11].

Манбада кўрсатилишича, маҳаллий ҳукуматнинг қадимий ёдгорликларни асраш, масжидларни таъмирлаш ва сақлаш, у ерда қоровуллар тайинлаш каби ишларни амалга ошириши ҳам бундай ёдгорликларни вақтнинг шафқатсиз ҳукмидан ҳимоя қилиш учун қилинган. Шунинг учун ҳам ўша даврда граф Н.Я.Ростовцев томонидан барча масжидлардаги ёзувларни суратга олиш вазифаси бир офицерга юклатилган. Келажак авлод ва фан учун хизмат қилишини таъминлаш мақсадида, уларни таржима қилиш, рус графикасига ўгириб қоғозга тушириш режалаштирилган эди.

Ж.Шаффанжон раҳбарлигидаги француз экспедицияси Тошкентдан чиқиб Чимкент, Авлиёота, Пишпак, Пржевальскийгача барча шаҳарларда бўлиб ўтган. Саёҳатчилар Пржевальскийнинг ёдгорлигига бориб, "Пржевальскийга - француз илмий экспедицияси. 1895 йил" деб ёзилган лента билан ўралган гулчамбар қўйганлар [13].

Бутун саёҳат давомида Шаффанжон янги топографик инструментлар - орограф ва циклографлар билан қуролланган бўлиб, йўлни шу давргача имкони бўлган оддий чизик сифатида эмас, топографик планда ер чизигини 40 верстгача бўлган кенгликда тасвирга туширган [12].

Миссия Иркутскда қишлаш учун қолиб, кейин Владивостокка, у ердан Японияга, кейин Америкага, 1897 йилнинг бошида эса Парижга етиб келади.

Бутун ер шари бўйлаб давом этган бу саёҳатда Шаффанжон магнит стрелкасининг огиши (девиацияси) устида кузатишлар олиб бориб, унинг огиши

сабабларини ўрганади. Бунинг учун саёҳатчи атайлаб шимолий кенгликдаги (шимолий қутб ва экватор ўртасида) 40 ва 50 градуслар ўртасидаги ер шари чизигини тадқиқот объекти сифатида танлаб олган.

Шаффанжон саёҳатга жўнаб кетар экан, "Туркестанские ведомости" газетаси тахририятига куйидаги мазмундаги хатни йўллайди:

"Россияга келганимдан буён, ҳукумат ҳамда маҳаллий халқ томонидан дўстларим ва шахсан менга барча ҳудудларда кўрсатилаётган самимий меҳмондўстликни таърифлаб ўтиш жоиздир. Ашхобод ва Самарқандда олиб борилган археологик қазилмалар пайтида ва ниҳоят Тошкентда бўлган вақтимизда ҳам жуда очиқ, чин кўнгилдан кутиб олишди. Қўлларидан келган барча ёрдамни биздан аямасдан, қизиқарли маълумотлар ҳам етказиб беришмоқда.

Сизнинг газетангиз орқали генерал-губурнаторга, Бошқарма бошлиқларига ва бизни шунчалик илиқ муносабат билан кутиб олган бошқа кишиларга ўзимизнинг ташаккуримизни изҳор этамиз.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтишга ижозат берингки, менинг саёҳатчи сифатидаги фаолиятим давомида, у қанчалик узоқ давом этган бўлса-да, мен бундай қалби қайноқ инсонларни учратмадим, Каспийорти ва Туркистонда ўтказган қисқа фурсатли шундай эзгу хотираларимни қалбим тубида доимо сақлаб юрман. Ж.Шаффанжон" [12].

Туркистонликларга матбуот орқали берилган материаллар бўйича яхши таниш бўлган Жан Шаффанжон унга юклатилган миссияни яқунлаб Парижга қайтгач, "Journal des Debats" номи журналда ўзининг саёҳати ҳақида қизиқарли маълумотларни чоп эттирган [9].

"Рус ерларидаги бизнинг саёҳатимиз, - дейди Ж.Шаффанжон ўз хотираларида, - рус ҳукуматининг ҳомийлигида ўтди, улар археологик тадқиқотлар олиб боришда ҳам ўз хизматларини аямадилар. Шу тариқа, биз Байкент, Марв, Байрам-Али ва Афросиёб ҳудудларида археологик тадқиқотлар олиб бордик. Амир Темурнинг Самарқанд ва Жиззахда қурдирган тарихий ёдгорликларини кузатишга муваффақ бўлдик".

Ж.Шаффанжон Туркистон ҳақида ёзар экан, русларнинг маъмурий ҳукумати тартиби ва уларнинг Шарқда олиб бораётган сиёсати ёрқин натижа бераётганини, Франция эса ўзининг мустамлакаларида бундай муваффақиятга эриша олмаганлигини таъкидлаб ўтган.

Кўриб ўтилган маълумотлар шундан далолат берадики, Туркистон ўлкаси XIX-XX аср бошларида ижтимоий-иқтисодий, этнографик, антропологик ва археологик тадқиқотларнинг муҳим объектига айланган эди. Француззабон тадқиқотчилар имкон доирасида ўлка ҳаётини ўрганиб, унинг натижаларини ўз асарларида ёзиб қолдирганлар ва уларнинг шундай савий-ҳаракатлари натижасида Туркистон ўлкаси Европада кенг жамоатчиликнинг эътиборига сазовор бўлган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Bonvalot G. En Asie centrale. De Moscou en Bactriane.- Paris, E. Plon: Nourrit et CO. 1884, - 309 p., carte.
2. Bonvalot G. En Asie Centrale. Du Kohistan la mer Caspienne (voyage de 1880-1882). - Paris:E. Plon, Nourrit et CO, 1885. - 308 p., carte.
3. Bonvalot G. En Asie Centrale: Du Caucase aux Indes. Paris: Plon, 1989.

4. Dictionnaire historique e biographique de la Suisse. v.5.p.21. Neuchatel, Adminstration de la dictionnaire historique et biographique de la Suisse. 1930.
5. Gorshenina S. La Route de Samarcande. L'Asie cenrale dans l'objectif des voyageurs d'autrefois. - Geneve, Editions Olizane, 2000.
6. Moser H. A travers l'Asie Central. La steppe kirghize, le Turkestan russe, Boukhara, Khiva, le pays des Turcomans et la Perse. Impression de voyage . Paris, Societe d'edition scientifique, 1885. - 463 p.
7. Венгерский путешественник по Кошгарии г.Берченжей // Туркестанские ведомости. 1887, 26 май. № 21.
8. Горшенина С. Первые опыты российских и французских археологов в Русском Туркестане (70-е - 90-е гг.XIX века): методика исследований и судьба коллекций //svetlana.gorshenina.free.fr/2RU32_Arkheol_Tuck_CultCenn
9. Господин Шаффанжон о своем путешествии (Journal des Debats 24 decembre, 1896) // Туркестанские ведомости. 1897, 19 (31 январь) № 5 (№ 1530).
10. Новое ученое путешествие // Туркестанские ведомости. 1895, 22 январь (3 февраль). № 6 (№ 1338).
11. Об отправлении коллекции путешественника Жана Шаффанжона во Франции // Туркестанские ведомости. 1895, 16 (28 апрель). № 27 (№ 1359).
12. Отправление ученой экспедиции господина Шаффанжона в путешествие // Туркестанские ведомости. 1895, 23 март (4 апрель). № 22 (№ 1354).
13. Пржевальск 9-го мая. Французская экспедиция господина Шаффанжона. (Корр. "Турк. Вед") // Туркестанские ведомости. 1895, 21 май (2 июнь). № 34
14. Туркестанские ведомости 1895, 9 (21) марта. № 18.
15. Швейцарец о Туркестане. // Новости. 1885, №312. - Туркестанский сборник. Т.398.